



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 28
(899)
2024 йил
18 июль,
Пайшанба

ХАЛҚПАРВАР

Миллат ифтихори

ёхуд Президентнинг “ҳеч ким четдан келиб биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди” деган сўзи замидаги ватанпарварлик хусусида

Ўз халқининг дарду ҳасратини, орзу ва армонларини, ҳақиқий ҳаётини билган инсон юрга раҳбар бўлиши, бу ўша халқнинг ютуғи, баҳтидир. Ҳеч муболағасиз айтсақ, биз ана шундай баҳтиёрликдан баҳраманд мамлакатда яшайпмиз. Бундай дейишга жуда кўп сабаблар бор, келинг, улардан айримларига тўхталиб ўтайлик.

Бефарқлик — энг ёмон иллат. Лоқайд қиши жамият учун турган битгани хатар. Хушёрлик ва зийраклик эса ҳамиша яхшиликка сабаб бўлади. Президентимиз хатти-харакатида, жидду жаҳдида ана шундай доимий уйғок инсон тимсоли мужассам.

Самарқандда ўқирдик. Ижара уйда яшаб, ойда бир ёки икки марта Сиёб бозорига ул-бул харид килиш учун борардик. Регистондан Сиёб томонга кетишида, кичкина йўлнинг ўнг бетида 21-мактаб бор. Ҳа, Ислом Каримов ўқиган мактаб. Шу мактабга қараб ҳам ҳавасим келарди, ҳам ачиниб кўярдим. Ҳавасим келгани, кимсан: Президент ўқиган мактабни кўриш бўлса, шундай мактабнинг афтодаҳол эканлигидан хайрон колардим. Президент савод чиқарган даргоҳ ўша йиллари нураб-тўқилгудек бўлиб ётар, шаҳар кўрки ва довруғига мос эмас эди. Самарқандда бир нечта одам раҳбар бўлиб ишлади, аммо Ислом Каримов ўқиган мактаб хароблигича қолаверди. Фақат 2002 йилга келиб ушбу мактаб тубдан янгича қиёфа касб этди. Зоро, Шавкат Мирзиёев вилюятга ҳоким бўлиб келгач, кўп ўтмай шу бинони на зардан қочирмади, унга меҳр кўрсатиб, устози, миллат етакчиси таҳсил олган даргоҳни гуллатиб кўйди... Кейинчалик Бош вазир бўлиб иш бошлаган Шавкат Мирзиёев Мактаб таълим мини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури кабул қилиниб, юртимиздаги жамики хароб мактаблар қайта янгиланишига, эҳтиёж бор жойларга эса янги мактаблар қад ростлашига сабабчи бўлди. Миллиардлаб маблағ талаబ қиласиган бу ишни амалга ошириш осон бўлмаган. Аммо қаловини топиб, мактабларни Тожмаҳалга айлантирган (Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири Абдулла Орипов ибораси) инсон Шавкат Мирзиёев эди. У Самарқандда Ислом Каримов ўқиган мактабни тамоман бошқа қиёфага келтириш орқали

таълимда инқилоб бўлган — “Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”ни ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этишда ҳеч ким кутмаган йўлдан борган эди.

Шу тариқа мактабларни бутунлай ўзгартиришга бел боғланди ва бунга эришилди. Аммо у кишини яна бир нарса қийнарди. У ҳам бўлса, ўқувчиларнинг, муаллимларнинг, талабаларнинг дала ишларига, жумладан, пахта теримига жалб этилиши эди. Бу ҳақда гап борар экан, давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида шундай деган эди: “Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигча пахта экди, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларни ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиризим Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан “Миллион эгатларга сочилиг ўзбек”, деб ёзганидек, юз йил эгилиб пахта тердик.

Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди.

Афсуски, асосий иши таълим бериш бўлган ўқитувчилар дала ишларидан ташқари курилиш ишларига ҳам олиб кетиларди. Ҳеч ким улардан борасанми, бормайсанми, деб сўраб ҳам ўтирасди. Мамлакатимизда тезлик билан ҳал этиш керак бўлган ўтириш муммилар бошқа соҳаларда ҳам йиғилиб қолган эди. Ҳаммаси жойида, деган кайфият билан уларни билиб – билмаганга, кўриб – кўрмаганга олиб, гафлат уйқусига ботиб юравериш ҳам мумкин эди. Лекин бу ўзимизга, ҳалқимизга, келажакка нисбатан хиёнат бўларди.

Очиқ айтмоқчиман: менинг табиатим бундай соҳта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайди. Ҳалқимиз менга ишонч билдири, ана шу юксак ишончни оқлаш, эл-юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш – мен учун ҳаётимнинг маъно-мазмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдири учун масъулиятни зиммамга олган эканман, ислоҳотлар борасида бошқача йўл тутишим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас.

Такрор айтаман: олдимида турган ишларнинг барчасини ўзимиз, ўз кучимиз билан қилишимиз керак, ҳеч ким четдан келиб биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди”.

ДОИМО УЙГОК

Ҳамма замон ва маконда шундай: раҳбарлар ҳақида ҳар хил гаплар юради. Шавкат Мирзиёев ҳақида гап кетганда, у кишини қачон ухларкан, қачон бунча ишга улгураркан, деб ҳайратларга чўмганимиз рост. Бу саволга эса йиллар ўтиб жавоб топдикки, у

киши шундай туғилган, шундай камолга етган экан. Бўлмаса, навқирон ёшидаёқ пойтактдаги туманга раҳбарлик килишнинг ўзи бўладими? Ўзи ҳоким бўла туриб, ижара уйда яшаса ҳам фикру ҳаёли ўйиз одамларни ватанлини килиш, дардмандлар дардига шифо бўлиш учун ўта мураккаб масалаларга ечим топиш, тикилиб ётган саноқсиз муаммоларни барта-рафт этишда бўлган. Бу гапиришга осон. Ҳозир ҳам шунаками: бирорта ҳоким ўйизми? Ўйиз эмас, ўйиз ҳоким кўп... Аллоҳ бандасини яхши кўрса, ва, у банда ҳам бир ҳалқ олдидағи жавобгарликни дилдан хис қилса, шундай уйғок ва элпарвар қилиб кўяркан.

Шу ўринда бир мисол: “Ҳалқ сўзи” газетасида ишлардим. Бир куни ярим тунда телефон жиринглади. Ўрнимдан туриб соатга қарадим: 01:42. Хуллас, Вазирлар Маҳкамасига етиб боришим, қандайдир хужжатларни тайёрлашда у ердаги масъулларга ёрдам бериш кераклиги бўйича топшириқ олдим. Рости, тун ярмида ҳам шунақа топшириқ бўладими, деб малолланиб Вазирлар Маҳкамасига етиб бордим. Уч-тўртта масъул қишилар билан бир хонага энди йиғилган эдик ҳамки, яна бир қиши кириб келди. Не кўз билан кўрсақ, Бош вазирнинг ўзлари. У қиши саломлашиб, ҳар биримиз билан сўрашиб, бизга нима иш қилиш кераклигини тушунтиридилар, нима ёрдам керак бўлса, қилиб берамиз дедилар. Шунда... боягина малолланганимдан уялиб кетдим. Шавкат Мирзиёевнинг шиҷоатга тўла ҳолатидан таъсирландим, ўзимга куч олдим. Ватан, юрт манфаати учун нафақат йигирма тўрт соат, балки ҳар доим, ҳамма вақт хизмат қилишга шай туриш даркорлигини тушубниб етдим.

БАРЧА ЙЎЛЛАР СЕРГЕЛИГА ЭЛТАДИ

Анчадан бери Қўйлиқ томонга, Сергели тарафга ўтмаган одам шу кунларда келса, танимай қолади бу манзилларни. 6-7 йил олдин Қўйлиқ бозори, то Роҳат муолишигача метро боради деса, ким ишонарди? Енгил машинага кўл кўтариб, Сергели томонга дейилса, такси ҳайдовчилари гаплашишни ҳам эп кўрмай кетиб қоларди. Энди эса бутун дунёга машҳур ўша ибора билан айтганда, пойтактнинг барча йўллари Сергелига элтмоқда. Замонавий турар жойлар, муҳташам савдо масканлари, ер усти метроси, баланд қаватли уйлар ва уларнинг ҳовлисидаги майдончалар. Вактингиз бўлса, кечаси бир марта шу туманиннайланинг: Нью-Йоркдан қолишмаслигига амин бўласиз.

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

(Боши 1-саҳифада)

Худди шунингдек, Самарқандда аҳолининг ҳордик чиқариши учун мўлжалланган “Боқий Самарқанд” мажмуасини олинг. Яқин-яқингача ҳароба бўлган бу манзилга шу кунларда бир боринг. Ич-ичингиздан бир икрор келади: ана мўъжиза, ана бунёдкорлик. Бу масканни таърифлаш қийин, яхшиси оиласи бориб, айланинг. Олдиндан айтай: бу ерни айланишга бир кун камлик қиласди.

Буларнинг бари шу ҳалқни яхши кўришдан, ҳалқимиз шунча йил қийналиб келди, ҳар бир раҳбар улардан кечирим сўраши керак, деган улуғвор ва мардона гапнинг амалдаги тасдигидир!

* * *

Ислом Каримов даврида эълон қилинадиган ҳар бир фармон ва қарор ижросига масъул этиб Шавкат Мирзиёев қайд этиларди. Ҳужжат имзоланган кундан фурсат ўтмаёқ унинг ижроси бажариларди. Ҳалқимиз, жамоатчилик ўша пайтдаги Бош вазирнинг иш туумига, ҳар бир жараённи ўз назоратига олганига, умуман, бирор бир масала ўзибўларчиликка ташлаб қўйилмагани Мирзиёев фаолияти билан боғлик эканлигини тушуниб етган эди. Бугун ҳам мамлакат тақдирига даҳлдор муаммо борки, ўз вақтида ечим топмоқда. Аввалгидай йилда бир ёки икки марта бўладиган мажлисларда эмас, кунда-кунора ўтадиган видеоселектор орқали шахсан Президент бошчилигида долзарб масалаларнинг йўл-йўриги, ҳал қилувчи нуктаси кўрсатилиб, бартараф этилмоқда.

Эътибор беринг, Президентимиз қайси соҳада гапирмасин, ўша соҳанинг икир-чикиригача, баъзан асл мутахассислар тушуниб, хис этмайдиган энг кичик жиҳатларини ҳам теран таҳлил қиласди. Икки-уч соат қозогза қарамай гапириш, яна кўпчиликни номма-ном айтиб, мурожаат қилиши, вилоятларга боргандга, оддий касб эгаларини ҳам худди кадрондек исмини айтиб чакириши замираша ҳам улкан меҳр мужассам.

Дарвоқе, меҳр ҳакида. Адашмасам, 2021 йилнинг август ойи эди. “Ўзбекистон” ҳалқаро анжуманлар саройида тадбиркорлар билан илк учрашув бошланди. Мавзуга оид жуда чукур мулоҳадалар билдириб ўтди Президент. Сўнг имтиёзлар, имкониятлар ҳакида гапириди. Шунчалик шароит қилиб берилини уларга, беихтиёр ҳамма ишни ташлаб тадбиркор бўлгиси келади одамнинг. Давлат раҳбари яна кандай фикрлар бор деб, улкан мониторга кўз тикиди. Вилоят раҳбарлари, ҳудудларда ном таратган машҳур тадбиркорлар ўз фикрларини билдиришни бошлади. Навбат Фарғона вилояти ҳокими Хайрулла Бозорвога келди. Ҳоким энди гап бошлаган эди, Президент уни сўздан тўхтатиб: “Ахволинг, саломатлигинг яхшими?” деди. Чунки ўша кунлари вилоят ҳокимининг жиддий амалиётни бошидан ўтказгани ҳакида эшитган эдик. Бозорв мамлакат раҳбарининг бу саволидан бир зум каловланиб қолдида, сўнг ҳаммаси яхши, дея дарду безовталиклар ортда қолганини билдириди. Президент эса унга саломатлик ва муваффақият тилади.

Бир карасангиз, шунчаки савол-жавобга ўхшаб кўринган бу мулокот аслида одамийликнинг, юрт раҳбари шу мамлакатдаги каттаю кичик ҳар бир кишини алоҳида эъзозлашининг ёркин далили эди бу. Шунинг учун бўлса ке-

рак, ҳеч мавриди ёки мавзуга даҳлдор бўлмаса ҳам иштирокчилар гулдурош қарсак чалишган эди. Бу олқишлар улкан меҳрнинг таъсиридан пайдо бўлган эди.

Воҳидовлар, Ориповлар етишмайди

Шавкат Мирзиёевнинг ижодкорларни, шоир ёзувчиларни эъзозлаши ҳаммамизга маълум. Қалам ахлига бўлган эътибор кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бундай ардок у киши Мирзо Улугбек тумани ҳокими бўлиб ишлаган йиллардан ёк куртак отган. Ўшанда қанчалик иши, ташвиши кўп бўлишига қарамай, Эркин Воҳидовдан, Абдулла Ориповдан доимий ҳабар олиб турган. Мажлисларда, анжуманларда бу икки улуғ шоирнинг шеърларидан намуналар келтириб туришини ҳам биламиз. Кейинчалик миллатимизнинг бу икки даҳосига нима сабабданир муносабат ўзгариб, хурмат-иззат камайганда ҳам Шавкат Мирзиёев ўз қарашларини асло ўзgartирмади. Аксинча энг оғир пайтларда ҳам уларни катта меҳр илиа йўқлаб турганини уларнинг фарзандлари, аҳли оиласи фахр ва ғуур билан айтишади. Ҳусусан, Абдулла Ориповнинг рафиқаси Ҳанифа ая Мустафоеванинг айтишича, Шавкат Мирзиёев пойтактнинг Мирзо Улугбек тумани, кейинчалик Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳокими бўлиб ишлаган чоғларида ҳам, мамлакат Бош вазири лавозимида фаолият юритганида ҳам доим Абдулла акани йўқлаб турган.

Ҳалқнинг суюкли фарзандига давлат раҳбари томонидан бу қадар баъланд муносабатда бўлиш ҳеч бир юртда кузатилмаса керак. Ўтмишда бўлса бордир, аммо бугунги шиддатли замонда, адабиёту маърифат, матбуот ва маънавият тушунчалари кимлар учундир эски даврда колди, дея талқин қилинаётган кунимизда ижодкор шахсияти, зиёлиларга мамлакатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборидан хуласа чикарадиганлар камайиб кетгандек, назаримизда.

Ҳолбуки, учинчи Ренессанс пойдевори сифатли таълим, мустаҳкам тарбия орқали шаклланади. Китоб кўрмаган, газета-журнал ўқимаган, умуман, зиё омилларисиз ўсиш, юксалиш мумкин эмас. Ушбу ҳакиқат теран англанган юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янгидан янги мактаблар ташкил этилмоқда. Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чукурлаштириб ўқитишига ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳам шундай масканлардан биридир.

Юрбошимизнинг: “ҳозир бизга Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби одамлар етишмаяпти”, деган гапини эшитгансиз, албатта. Бу гап замираша ҳам миллатга ватанпарвар инсонлар ҳар доимидан кўра бугун зарурлиги ҳакидаги ниятлар мужассам.

Ижодкорларга қанот бўлиш, рағбатлантириш каби саъй-ҳаракатлар кейинчалик Зоминда асос солинган адабиёт байрамини юзага келтирди. Ушбу машварат туфайли 1997 йилдан то ҳозирга қадар қанчадан қанча шоири ёзувчи кашф этилди. Энг муҳими, бундай эъзоз бугун янада кенг кўлам ва мазмун моҳият касб этаётганини ҳаммамиз кўриб, билиб, хис этиб турибиз.

Тақиқлар тақиқланди

Ўзи илгари ғалати ишлар бўлган. Четдан бирор эшитса, куладиган қора рўйхатлар, тақиқлар бўларди. Эл сўйган одамларга нисбатан чекловлар, босимлар бор эди. Даҳаҳон Ҳасановдан гапирманг, Шерали керак эмас, Фарруҳ Зокировга нима етишмайди, Озода бекилиқ қабилидаги гаплар ва қўпол қилиб айтганда “артистларнинг ётиш туришигача назорат қилиш” кимларнингдир иш режасига айланиб қолганди. Шавкат Мирзиёев иқтидорга келгач, бундай бачкана ва ўта шармандали ҳолатларга батамом нукта кўйилди. Одамлар ўзлари ёқтирган санъаткор-

унинг бу насиҳатлари олдида уялиб коласиз, ич-ичдан унинг ҳақ эканлигини англайсиз.

Чин, биз йиллардирки, қошу кўздек якин ана шундай кўшниларимиз билан димоқ-фироқда юрдик. Гоҳ ўзимизни улардан баланд қўйдик, гоҳида уларни унутдик. “Узокдаги қўйруқдан якиндағи сомон афзал”лигини эсдан чиқардик. Энди ҳаммаси ортда қолди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва ШАҲС сифатида қарашлари ўлароқ, биз дунёга юзлашиб учун, аввало, кўшнилар билан муносабатларни мустаҳкамладик. Тиканлар, зирхлар олиб ташланди. Симли тўсиклар ўрнини қардошлиқ, дўстлик, биродарлик ҳакидаги накллар тўлдириди. Бундан нафақат биз, балки кўшни мамлакат-



ларнинг дийдорини яна кўрадиган, уларнинг ижодидан баҳраманд бўла бошлади.

Масалан, кўпчилик Шерали Жўраевнинг катта саҳналарга қайтишини 2016 йил билан боғлайди. Бу ҳам тўғри. Аммо сал ортга, 2002-2003 йилларга қайтсан, бу борадаги мардлик ва шиҷоат намунасини эсга оламиз. Ҳалқ ўз ҳофизини экранларда кўрмаганига, газета журналларда сухбату суратларини соғинганига анча йиллар бўлган пайтда Шерали Жўраев Самарқандда концерт берармиш, яна расмий тадбирлар ўтадиган жой — Амфитеатрда ўтаркан бу концерт деган гап тарқалди. Бунга, дағъиятнан ҳеч ким ишонмади. Шу яхши ҳабар тарқалганда мен Шерали ақанинг уйларида эдим. Бир умр миллатни маънавий юксалтиришга бел боғлаган, миллионлаб одамларнинг қалб кўридан жой олган ҳофиз ана шу мұждадан вokiф бўлгач, ёш боладай кувонгани кўз ўнгимда туриби. Миш-мишлар ҳакиқат бўлиб чиқди. Ҳофиз нафақат кўхна шаҳар марказида, балки Ургут ва Тайлөк туманларида марказий стадионларда ҳам концерт бериб, мухлислар олкиши ва қуршовида колган эди. Катта истеъоддога кенг йўл очиб берган инсон эса Самарқанд вилоятининг ўша пайтдаги раҳбари Шавкат Мирзиёев эди...

Дўстларимиз купайди

Кўз олдингизга келтиринг: дебор-дармиён кўшнингиз бору, аммо у билан йиллар давомида кўришмайсиз, гаплашмайсиз. Сабаби мавхум: кўшни арпангизни хом урмаган, сизнинг ҳам унга хусуматнинг йўқ. Шундай пайтда узокдаги қариндошингиз ёки бирор танишингиз межмон бўлиб келди-ю, гапдан гап чиқиб ҳамсояларингиз ҳакида сўради. Тайнинли жавоб йўқ. Мехмон эса сизнинг сукунтингизни ноҳияллик, оқибатсизлик, меҳру муруватсизлик ҳеч қачон инсонга наф келтирмаслиги ҳакидаги пандлари билан бузади. Сиз

“Кулиб юрганим билан, дардим ичимда...”

Кузатган бўлсангиз керак: Президентимиз соҳталикни, олди-қочди гапларни умуман ёқтиромайди. Мажлисларда, учрашувларда умумий гапларни айтадиган, кераксиз, сафсата статистикадан кимдир сўз очса, уни доим тўхтатган. Миллатнинг асл фарзанди сифатида у киши мамлакатимиздаги мавжуд ахволни кафтдагидай билиб туради. Шу боис фикри ожизимча, у кишини алдаш ўзимизни алдаш деб қаралиши керак. Эсимда, Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 апрель куни Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида вилоят фаоллари иштироқида ўтказилган видеоселектор йигилишида кўзбўя-мачиликлар ҳакида гапириб, шундай фикрлар билдириган эди:

“Мен осмондан пайдо бўлиб, тушиб келмайман: бир кун олдин қайси вилоятга ташриф буюришим ҳакида маълумот етказилади. Лекин, кўп жойларда кўзбўя-мачиликка йўл қўйилмоқда. Очиги, менга бу нокуляй, кўзбўя-мачилик менда нафрат уйғотмоқда. Ўқитувчиларни мажбурулаб чиқарб қўйиб, ободонлаштириш, уларга кўча супуртириш, “тайёргарлик”ка жалб этиш – сиёсатга хиёнат. Бу ҳаракатлар факат менга эмас, сиёсатга ҳам хиёнат.”

Давлатимиз раҳбари деярли 4,5 соат давом этган йигилиши бошланиши би-

ланоқ “мақтөв ва қарсақбозлиқ” даври тугаганини таъкидлади. Шунингдек, Президент учун ҳозирланаётган кўзбўя-мачилик уни ранжитишини айтганди.

“Мен девор ортида нима борлиги-ни, Ўзбекистонда қайси кўча супурилгани ё ободлигини жуда яхши биламан. Битта нарсани айтмоқчиман: йўлни супурганингиз билан ҳеч нима ўзгармайди, одамлар раҳмат демайди, Бизнинг дўстларимиз ҳам кўп, душманларимиз ҳам. Сиз (маҳаллий ҳокимиёт раҳбарлари назарда тутилмоқда) мана шу ишларингиз билан душманларнинг тегирмонига сув қўймоқдасиз. Бутун ви-лоялтлар ва туманлар раҳбарлари, мана шуни билиб олинг..

Мени юрагимда жуда катта армон, азоб бор. Халқимизнинг қандай аҳвол-

Ўзбекистон ва Туркия ўргасидаги муносабатлар самимиятга йўғрилганини таъкидлар экан, жумладан шундай де-ган эди:

— Шавкат Мирзиёев Туркияга ташриф буюрганида жуда кўп жой-лар қатори тарихий масжидларимизга ҳам қадам ранжида қилди. Шавкат Мирзиёевнинг чин ихлос ва катта диккат-эътибор билан масжидларни томоша қилганидан ҳайратландим. У одатий меҳмонлардан эмаслиги, тарихий жойларни шунчаки кўздан кечирмаганлиги билан менда ёркин таассурот қолдирди. Англадимки, у ота-боболаримиз эътиқод қилган ислом динини юксак қадрлаши билан ибратга лойиқdir.

Бугун Ўзбекистон жуда кўп соҳа-

Аждодлардан мерос қадрият ва урф-одатларни улуғлаш, уларнинг муборак изидан бориши, ёшларга кенг им-кон бериш, бошини силаш, одамларни эъзозлаш, халқнинг розилигини олишга интилиш — бу чин комиллик белгиси, аслида. Биз бутун ана шу етуклини, олиб борилаётган сиёсатда эса мукам-малликни кўрояпмиз. Шу боис ишон-чимиз юксак, умидимиз улкан. Зоро, ишонч ва умид ёртанги ёруғ истиқбол сари дадил одимлашга, буюк келажак-ни биргаликда куришга унрайди.

Амал ва ниятлар уйғунлиги

Ҳар бир мамлакатнинг қудрати, салоҳияти, имкониятлари нима билан

Ижроия қўмитаси аъзоси, Бутунжаҳон мусулмон уламолари халқаро уюшма-си, Бутундуён Ислом уюшмаси каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг, Иордания қироллик академиясининг ҳам аъзоси эди. У киши Миср Араб Республикасининг “Нил лаври” олтин нишони, шунингдек, Россия, Ливия ва бошқа давлатларнинг кўплаб юксак му-кофотлариға сазовор бўлганди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ислом динининг асл моҳияти-ни тарғиб этиш, ёш авлодни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг турли тилларда чоп ки-линган асарлари ёш авлод учун улкан тарбия ва ибрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўтганларни хотирлаш, азиз-авлиё-ларнинг руҳларини шод килиш борасида бажарилаётган хайрли амалларнинг савобу самараси юртимизга янада фай-зу баракот келтириши шубҳасиз. Нега-ки, бундай эзгулик асрлар ўтса-да, кел-гуси авлодлар учун мангу ибрат бўлиб қолаверади.

Ибрат, бурч ва қарз

Юртимиз раҳбарининг ташаббу-си ва ғоялари асосида азизларимиз эъзозланиши, умуман, ҳаётга татбиқ этилаётган эзгу ислоҳотларни қадрлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Аслида юкорида тилга олинган ўзгари-шлар маънавий юксалишга қаратилган улугвор янгиланишларнинг бир зар-раси, холос. Муҳими, бундай ибратли ишларнинг барчаси сўз ва амал ўй-гунлигини исботлаб, сизу бизнинг, шу бағрикенг халқ билан бир тану бир жон бўлиб яшётган турли элат ва миллат вакилларининг дилбандлари учун хизмат қилаётганини унутмаслик жонажон Ватан олдидағи қарзимиздир.

Улуғлик шарофати

Дунёнинг тўрт томонида турли талафотлар, можаролар, келишмовчи-ликлар рўй берадиган, оқибат, меҳр-му-рұват сингари улуғ тушунчалар ўр-нини “Босиб оламан”, “Хукмронлик қиласман”, “Еб битираман”, “Мен зўр-ман” деган бемаъни даъволар эгал-лаб олаётган бир пайтда буларни нега ёзяпмиз?

Гап шундаки, ҳар тонг яхши ниятлар билан дуолар киладиган ота-она-ларимиз бор экан, бу юртдан оқибат кетмайди.

Ўқ овози ўрнига муazzзам аzonлар эшитилиб турадиган, бомбалар ўрни-га карнай-сурнайлар, тўйу томошалар овози жаранглаб турар экан, бу рубъи маскуннинг Ўзбекистон деб аталмиш чаманини Тинчлик ва оқибат тарк эт-магай. Агар биттагина одамнинг кўн-глида эзгу умид пайдо бўлса, адолатни кўп тилга оладиган Миллат Сардори-нинг шарофатидан бу.

Агар берк йўллар очилиб, бағри-кенглик, дўстона муносабат кўзга ташланадиган экан, бу шому саҳар ти-ним билмай ишларни Инсоннинг ор-зулари ушалаётганидандир.

Келинг, Юртбошимиздан ўrnак олиб, халқ манфаатини устун қўйялиқ.

Максуд ЖОНИХОНОВ



да яшаётганини мендан бошқаси яхши билмайди. Ўзим кулиб юрганим билан, дардим ичимда. Юракдан чиқариб айтяпман, дўст бўлсангиз, бу ишларни тўхтатинг...”

Бу гаплардан ҳар биримиз хуло-са чиқариб, чин дўстнинг ишини ки-ладиган замон аллақачон келганини англаб етайдик. Токи, деворлар йики-либ, унинг ортидаги ҳақиқат бор бўй-басти билан кўз ўнгимизда намоён бўлсин.

Самимият ғалабаси

Махалламида Умрқул ота деган нуроний бор. У киши қаҳатчиликни ҳам кўрган, уруш йилларидағи очар-лиkkка ҳам гувоҳ бўлган. Умрқул бо-бонинг айтишича, ҳеч бир замонда ҳалқка қайишиш ҳозиргидек бўлма-ган. Отaxon бунга сабаб қилиб Шавкат Мирзиёевнинг тугма ҳалқпарвар экан-лигини айтади. “Табиат ҳар кимга бун-дай фидойиликни право кўрмайди. Юрт-бошимиз оддий одамларнинг қалбини эгаллади. Чекка худудларни яёв кезиб, камсукум, ўртахол оиласларга бориб, уларнинг ахволини ўрганди. Ўз ҳалқи-ни чин юракдан севган, ардоқлаган инсонгина шундай ишларни қилади. Демак, ҳар биримиз ана шу ноёб фа-зилати туфайли Юртбошимизга ҳавас қилсақ, ибрат олсақ, эргашсак арзий-ди”, дейди нуроний.

Озарбайжон Ёзувчилар бирли-ги раиси, жаҳонга машхур адаб Анар фикрича, Шавкат Мирзиёев тарихни ўзгартирди, эскича қарашлар, котиб қолган анъаналарга чек қўйди. “Прези-дентингиз ташаббуси билан минтақада дўстона муҳит пайдо бўлди. Илгари ҳамма ўз ҳолича эди. Энди эса давлат раҳбарлари бир-бирига нафақат ҳам-касб сифатида, балки дўст ва елкадош, самимий ҳамкор деб қарамоқда. Бугун-ги давр Шавкат Мирзиёевдек шахснинг иқтидорга келишига муҳтоҷ эди”, дей-ди ёзувчи.

Туркиялик адабиётшунос, про-фессор Сулаймон Кизилтопрак эса

ларда дадил одимламоқда. Иқтисодий тараққиёт билан бир қаторда маънавий юксалишга эришилаётгани эса кўшалок музafferлиқидир. Президент кўшни ва қардош давлатлар билан кўп йиллардан бери узилиб колган, расмиятчиликдан нарига ўтилмайдиган ришталарни тиклади. Нафақат тиклади, балки унга янгича рух берди.

Деҳлидаги Жамия Миллия Исла-мия университетининг профессори Шоҳид Таслим Ўзбекистонни алоҳида меҳр билан тилга олади. У юртимизга турли ҳалқаро анжуманлар туфайли тез-тез келиб туради. Ўзбекчани мукам-мал билади. Навоий ва Бобур, Машраб каби бобокалонларимизнинг кўплаб ғазалларини ёддан айтади.

Ўзбекистон — алломалар юрти, — дейди Шоҳид Таслим. — Бу заминда камол топган муҳаддислар, олиму уламолар, табиблар, шоирлар Ер юзининг барча минтақасида маълум ва машхур. Жумладан, ислом дини рав-нақига улкан ҳисса кўшган буюк олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдек зоти мукаррамнинг таълимоти буғунги давримиз учун ҳам ўта муҳим ва долзардир. Ҳудди шунингдек, И мом Термизий, И мом Мотуридий, Бурхониддин Марғilonий, Замах-шарий сингари улуғ мураббийларнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлиш ҳар бир инсонга, айниқса, ёшлар учун кони фойдадир. Президентингиз ана шу мутафаккирларнинг асарларини кенг ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бергани таҳсинга сазовор. Тарихи, ўз-лиги эъзозланадиган юртда ўсиш, ўзга-риш бўлишини буғун Ўзбекистон ми-солида кўриб турибмиз.

Ҳар бир мамлакатнинг ёртанги так-дири буғун вояга етаётган ўғил-қизлар кўлида. Уларнинг замонавий билим олишлари учун шарт-шароит яратиб берилганда гина кўзланган манзилларга эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсақ, буғунги тан-ланган йўл оқиллик, узокни кўра би-лиш ифодасидир.

белгиланади? Бу саволга ялпи ички маҳсулотнинг улкан ҳажми, саноатнинг юксак тараққиёти, катта даромади, ишлаб чиқаришнинг баркарор суръатлари ва бошқа омилларни кўрсатиб жа-воб бериш мумкин.

Албатта, уларни асло инкор этиб бўлмайди. Шунинг билан бирга давлатнинг қудрати ва салоҳиятини тарихий мерос ва аждодлар маданияти ёрқин тарзда акс эттиради, десак янглишмай-миз.


Ўзлигимиз, насл-насабимиз гавҳа-ри — улуғ бобокалонларимиз ибрати, қолдирган бой илмий-адабий мероси, жасорати, панду насиҳатларини ўрга-нишни, сабоқ чиқаришни мақсад килдик. Шу аснода улар хотирасига бўлган эҳтиромимизни, ворислик садоқатини чин дилдан, катта ғайрат-шижоатлар илиа изҳор килдик. Чунончи И мом Бухорий, И мом Термизий, Бахоуддин Накш-банд каби азиз-авлиёларимиз руҳларини шод этмоққа киришдик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тарихий обидаларни асраб-авайлаш, буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази, Самарканда И мом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди, Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад Термизий, Қарши туманидаги Абул-Муъян Насафий зиёратгоҳлари ва бошқа қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Гап шундаки, ана шундай хайрли ишларнинг мантикий давоми ўлароқ, Президентимиз Шавкат Мирзиёев шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг шаънини, қадр-қимматини эъзозлагани ҳалқимиз томонидан жуда катта хурсандчилик билан кутиб олинган эди.

У кишининг дунё мусулмонлари ўргасидаги обрў-эътибори жуда баланд эди. Бу улуғ ватандошимиз Бутундуён ўз-кунглида эзгу умид пайдо бўлса, адолатни кўп тилга оладиган Миллат Сардори-нинг шарофатидан бу.

Глобаллашув шароитида дунё миқёсида турли динлар ва конфессиялар орасида вужудга келаётган асосий зиддиятлар бевосита деструктив ва тоталитар секталарнинг ҳаракатлари оқибатида вужудга келмоқда. Айниқса, бундай секталар геосиёсий кучлар кўмагида хавфли қурол сифатида, ўзга дин вакиллари эътиқодига раҳна солмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Экстремистик ва террористик ташкилотлар соҳта ғояларини асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш орқали инсон ҳукуқи ва эркинликларини оёқ ости қилиш, инсониятнинг диний, маданий-маърифий меросига жиддий зарар етказиб, динлар орасига нифоқ солишига ҳамда динлараро муносабатларга пурт өтказишига ҳаракат қилмоқда”.



ЭЪТИҚОДГА ТАЖОВУЗ

Хозирги кунда дунё миқёсида фаол миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари билан шугуланаётган “Иегова гувоҳлари” энг хавфли деструктив ва тоталитар секта сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур ташкилот 1931 йилда “Библия тадқиқчилари” номи остида диний ташкилот эмас, балки нашриёт сифатида рўйхатга олинган. Ушбу секта протестант йўналишининг диний ташкилоти мақоми остида фаолият олиб борса-да, айрим тадқиқчиларнинг фикрига кўра, мазкур секта христианликнинг парахристиан ва псевдохристиан йўналишларига мансубdir. “Иегова гувоҳлари” сектаси тарихи “Библия тадқиқчилари” ҳаракати натижасида вужудга келган бўлиб, XIX асрнинг 70-йилларида АҚШнинг Пенсильвания штатида яшовчи Чарльз Тейз Рассел (1852-1916) томонидан асос солинган.

Мутахассислар “Иегова гувоҳлари” таълимотларида арийлик унсурлари мавжудлиги тўғрисидаги фикрларни баён этса-да, россиялик бир катор тадқиқчилар “Иегова гувоҳлари”ни секталар каторига кўйши, айрим россиялик диншунослар фикрига кўра, “Иегова гувоҳлари” секта ҳисобланмайди. “Сектанинг штаб квартираси АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Бруклин мавзесида жойлашган бўлиб, ушбу шаҳарда “Галаад - Библия мактаби” ташкил этилиб, дунё миқёсида мазкур секта таълимотлари асосида миссионерлар тайёрлаш йўлга қўйилган. “Иегова гувоҳлари” сектаси ўз таълимотларини дунёнинг турли бурчакларида яшовчи ахоли вакилларига етказиши максадида уларнинг маданияти, маънавияти, қадриятлари, урф-одатларини ўрганиш орқали ўзларининг тилларида кўплаб адабиётлар ва журнallар чоп этишига алоҳида эътибор каратишади.

Бугунги кунга келиб, “Иегова гувоҳлари” сектаси дунё миқёсида ўз таълимотини ёйиш максадида замонавий усуулардан фойдаланган холда нафақат нашрлар балки сектанинг интернетдаги веб саҳифаси орқали тарғибот жараёни жуда ҳам кучайтирилган. Жумладан, “Сторожевая башня” (Кўриқчи минораси) ва “Пробудитесь!” (“Ўйғонинг!”) журнallарига тўхтадаган бўлсак, бугунги кунда мазкур журнallар йилда 4 марта нашр этилиб, асосий эътиборни интернет орқали тарғибот ишларини амалга оширилган. Шу жумладан, Ўзбекистонга таалукли кисмини оладиган бўлсак, “Сторожевая башня” (Кўриқчи минораси) ва “Пробудитесь!” (“Ўйғонинг!”) журнallарига ўзбек ва корақалпок тилларида кирил ва лотин алифосида нашр этилмоқда. Яна бир кизиқ масала борки, буларнинг саҳифасида ўзбек тилидан ташқари, хоразм тили гурухи ҳам киритилган. Ваҳодланки, бу тилнинг мавжуд эмаслиги сабабли, гурухга бирон бир нашр иловага килина олинмаган.

“Иегова гувоҳлари” сектаси томонидан амалга оширилётган фаол миссионерлик ҳаракатлари натижасида дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларida фуқароларнинг диний эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотмоқда. Бу эса, ўз навбатида, диний низоларнинг келиб чиқиши натижасида мамлакатлардаги ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий барқарорликка рахна

солмоқда.

“Иегова гувоҳлари” сектаси таълимотида 1936 йилдан бўён Хочдан христианликнинг рамзи сифатида фойдаланиш тақиқланди. Сектада оқим аъзолари Иосони Хочга оёқ-кўллари билан эмас, балки устунга михлаб қўйилган (лот. *crux simplex*) деб хисоблашади. “Янги дунё талқини” да юонча *σταυρός* (ставрос) сўзи “кйинок устуни” сифатида таржима килинган. “Иегова гувоҳлари” сектаси таълимотида Хочни эъзозлашни улар гўёки, бут-санамларга сифиниш дея хисоблашади. “Иегова гувоҳлари” сектаси 1961 йилдан эътиборан ташкилот аъзоларига мансаб даволашда қон куйини тақиқлади. Секта таълимотига кўра, беморга қон куйин, қонни истеъмол қилиш каби гуноҳ эканлигини қайд этган. Шу билан бирга, секта мафкурасида давлат рамзлари — байроқ, герб, мадхия ҳамда кўплаб миллий ватанпарварлик рамзларини олқишлиш, ижро этиш, армия ва бошқа ҳарбий кўшинларда хизмат қилиш, ҳарбий ташкилотларда ишлаш, мактаб ва ҳарбий олий ўқув юртларида ҳарбий тайёргарликдан ўтиши, зўравонлик асосида кучини кўрсатиш, жанговар санъат ва спорт турлари — бокс, каратэ билан шугулланишга руҳсат йўқ.

Секта таълимотида ўз аъзоларига бир неча бор 1914, 1918, 1925, 1941, 1945, 1975, 2001 ва 2012 йилларда “киёмат қойим” бўлиши муқаррар эканлигини алоҳида таъкидласада, секта таълимотида илгари сурилган ёлғон башорат амалга ошмади. Мазкур ёлғон ақида натижасида секта таълимотига нисбатан ташкилот аъзолари ўргасида ишончизлик кўчайиши оқибатида оқим аъзолари сектани тарқ эта бошлаган.

Ажабланарли томони, “Иегова гувоҳлари” сектаси ўзининг диний таълимотини доимий тарзда ўзгаришиб туради. Мазкур ўзгаришлар ташкилот томонидан киритилиб, секта аъзоларининг ягона ишонадиган нарсаси бу ташкилотга бўлган эътиқодидир. Шу тарика, ўзга ҳар қандай нарсаларга бўлган ишонч ташкилот томонидан осонгина ўзгаришиши мумкин. Секта таълимотида “Тарихни бошқариш бугунни бошқаришдир, бугунни бошқариш келажакни бошқариш” деган шиор муҳим ўрин тутади. “Иегова гувоҳлари” таълимотида секта ўз аъзоларига бир катор байрамларни нишонлаш тақиқланади. Жумладан, Рождество, Пасха каби диний байрамлар, янги йил, 8 март, 9 май ҳамда ўзларининг тугилган кунларини нишонлаш секта таълимотида рад этилади. Секта таълимотига кўра, ушбу байрамлар христианликка мутлақо алоқасиз.

Ташкилот аъзоларига ўзга дин вакилларининг диний маросимларида қатнашиш, жумладан мархумга жаноза ўқишида иштирок этиш ҳам тақиқланади. Дағн маросимларида айтиладиган мотам ва аза кўшиклиари, фарёд кўтариш номақбул ҳисобланади. Мазкур холат оқим аъзоларининг фикрига

кўра, мархумларнинг кейинги кайта тирилиш жараёнида эътиқоднинг кучсизлигидан далолат бериши мумкинligини таъкидлашади.

Шунингдек, “Иегова гувоҳлари” сектаси ташкилот аъзоларига олий таълим олишни ҳам рад этишади. Олий таълим олиш гўёки, шайтоннинг куроли сифатида баҳоланади. Шу ўринда, секта қонуларида кўра, оқим аъзоларини олий таълимга эга бўлиши Иегова таълимотини олишда уларнинг онгини чалғитиши мумкин. Секта доирасида оқим аъзоларини мансаб погонасига кўтарилишда тўсиқинлик қилиши ва “ўз маънавиятига” рахна солиш учун замин яратади.

2006 йилдан бошлаб “Иегова гувоҳлари” сектаси ўзининг диний адабиётларини ўзбек тилида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида чоп этаётганлиги, ушбу адабиётлар мамлакатимиз худудига кўшини Козогистон ва Киргизистон давлатлари орқали кириб келаётганлиги аниқланмоқда. “Иегова гувоҳлари” сектасининг мамлакатимиздаги фаолиятини ўрганиш жараёнида секта аъзолари давлат ва жамият манбаатларига зид равишда секта таълимоти ва гоялари акс этган диний адабиётларни исталган жойда фуқароларни хонадонларида тарғибот ва ташвиқот қилишмоқда. Мазкур сектага аъзо бўлган ёшларни ҳарбий тайёргарлик ва кўшин сафида хизмат қилишдан воз кечиши ҳолатлари аниқланмоқда. Секта таълимотида давлат байрамлари ва рамзларини тан олмаслик, сайлов жараёнида иштирок этмаслик, давлат вазифаларига қасамёд қилиш қатъянин рад этилади. Шунингдек, иеговачилар бошқа динга эътиқод қилувчи инсонларнинг диний маросимларида иштирок этмаслик, дағн этишда вужудга келаётган муаммолар, тибибиётда бемор ҳаётини саклашда қон куйини қатъянин қаршилик қилиш ҳамда секта конунчилигида қатъикунлигидан этилади.

Бугунги кунда дунё миқёсида геосиёсий кучлар мувозанатининг тобора ўзгариши, айрим ривожланган давлатларнинг ўз демократиясини “экспорт” қилиш орқали дунёга хуқмронлик қилиш максадида очидан-очиқ даъвогарлик қилишга бўлган ҳаракатлар мисолида намоён бўлмоқда. Яқин Шарқ мунтакасига, жумладан, араб мамлакатларига ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар ўргасида геосиёсий ракобатнинг кучайиши уларнинг мустакиллигига таҳдидларни янги турлари сифатида намоён бўлаётганини ўзсатади. Ўз навбатида, бундай ҳаракатлар Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, жумладан, айрим араб давлатларининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, улкан табиий-иқтисодий

ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги улар хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва ҳатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти дикқат марказида турганлигини ҳам англатади. Зоро, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари замарида факат ва факат сиёсий фоя мавжуд эканлигини англаш лозим. Айниқса, мазкур ҳаракатлар натижасида “инсон ҳукуклари”, “виждон эркинлиги”, “демократик эркинликлар”ни олға суриш учун кўрсатилаётган “кўмак” аслида мамлакатни парокандалик сари сиёсий бошбошдокликка етаклаётганини яққол намоён бўлмоқда.

Ваҳоланки, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари орқали амалга оширилаётган “демократия” никобидаги уринишлар бир катор ноҳушликларни келтириб чиқариши мумкинлигини англаш барчадан жиддий фикрлашни тақозо этмоқда. Шу тарика айрим “сиёсий марказлар” ва давлатлар томонидан бевосита йўналтирилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати натижасида муайян минтақа ва худудга демократияни “экспорт” қилиш орқали ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга ошириш кўзга ташланмоқда.

Мамлакатимизда ҳукукий демократик давлат барпо этиш ва унинг тараққий этишида диний эътиқод эркинлигининг сиёсий-ҳукукий асослари шакллантирилди. Юртимиздаги анъанавий динлар орасида ислом ва православлик мавжуд бўлса, ноанъанавий диний ташкилотлар ҳам Ўзбекистонда ўз диний ташкилотларни тарқатиши ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Ноанъанавий диний ташкилотлар фаолиятини баҳолаш жуда кийин. Бирор ҳалкаро амалиётга кўра, кўпгина мамлакатларда ноанъанавий диний ташкилотларни рўйхатга олишда вактинчалик чекловлар мавжуд. Шунингдек, бир катор ноанъанавий диний ташкилотлар ўз фаолияти учун давлат идоралари ва жамият томонидан қаттиқ танқид килиниб, хаттоқи, улар жойлашган давлатнинг Конституцияси ва қонунларига зид бўлган фаолияти учун хам тақиқлангани маълум.

Мамлакатимизда инсон онги ва қалбига қаратилган турли гоявий таҳдидларга, хусусан, диний ақидапарастлик, экстремизм, миссионерлик ҳаракатларига қарши, аввало, одамларнинг билим ва маънавий иммунитетини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай маънавий таҳдидлар замарида инсонни ўзи тугилиб ўсган ютидан, ҳалқидан воз кечишига, ватанпарварлик, юртга садокат туйғуларидан маҳрум этишига келиб келмоқда. Ноанъанавий диний ташкилотларни рўхатга Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Бу иллатлар давлатни ємириб, жамияти парчалаб, радиқат гурух ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда”. Шундай экан, миллат келажаги — ёшларимизни бузгунчи оқимлар таъсиридан асраш барчамиздинг бурчимиздир.

Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиги, сиёсий фанлари доктори (DSc)



Ушбу макола Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташабbusлари ва замонавий гояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини кўллаб-куватлаш” гранти асосида тайёрланди.

Тасаввур қилинг, азим Самарқанд шаҳрига келган сайёхлардан бирининг қимматбаҳо күл соати бузилиб қолди ёки кимдир шунчаки сочини турмакламоқчи. Ҳўш, улар кимга ёки қаерга мурожаат қиласи? Қимматбаҳо соатни таъмирлаш вақтида сифати бузулмаслиги ёки соч турмаги меҳмонга ёқишига кафолат берадиган, лозим бўлса, жойига чиқиб хизмат кўрсатадиган профессионал майший хизматимиз борми? Биз-ку ўрганиб қолгандирмиз, аммо овлокдаги “бўтка”га унча-мунча сайёх юрак ютиб бормаслиги аниқ.

ЕРТЎЛАДА “ЖОН САҚЛАЁТГАН” МАИШИЙ ХИЗМАТ

Айни саволлар билан бир нечта номи “улуг” меҳмонхоналарга мурожаат қилдик. Бири бу борада меҳмонларга ёрдам бера олмаслигини айтса, бошқалари уларга хизмат кўрсатиш учун ўз ташишларини чақиришини маълум қилди. Яни, сайёхларга ҳеч қандай шартнома ва кафолатларсиз, шунчаки, ишонч асосидаги оғзаки келишув бўйича майший хизмат кўрсатилади. Агар ўша “таниш” меҳмоннинг бир неча минг долларлик буюмини бузуб кўйса-чи?..

– 5 йилдан бери меҳмонхона бизнесидамиз, ҳали бунақа саволни эшигтмаган эдик, – дейди Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналардан бирининг иш юритувчиси. – Тўғри, мижозларимиз тез-тез у ёки бу хизматдан фойдаланиш истагини билдиради. Биз уларга имкон қадар шундай хизматлар кўрсатиладиган манзилларни аниқлаб берамиз. Лекин бу борада ишончли тизим йўқ. Кўчада кўрсатилган хизматнинг сифатидан нолиб келган меҳмонлар ҳам бўлади. Айтиш мумкинки, Самарқандда туризмнинг энг оғриқли нұктаси айнан майший хизмат соҳаси хисобланади.

Мавзу бўйича маълумот тўплашга ҳаракат қилдик. Солик бошқармаси ўзини ўзи банд қилганлар статистикасидан бошқа маълумотни бера олмади. Вилоят камбағалликни қисқаратириш ва бандлик бош бошқармасининг асосий вазифаси эса аҳолини иш билан таъминлаш. Улар учун қанча иш ўрни яратилгани муҳим, сифат эмас. Охирги умид – вилоят туризм бошқармаси ҳам бу йўналишда маълумот берада олмади. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанддаги саммити олдидан ташриф буюрувчиларга профессионал майший хизмат кўрсатиш тизимини йўлга кўйиш бўйича ишлар бошланган эди, аммо у ҳам якунига етмай қолди», дейди масъуллардан бири. Эътиборга олинг, гап республиканинг чекка бир қишлоғи эмас, балки туризм шахри – Самарқанд ҳақида кетяпти. Бу ерда вазият шундай бўлса, бошқа жойларни таҳмин қиласеринг.

Этиқдўзни гараждан, тикувчини ертўладан топасиз

Фикримизга эътиroz билдириб, ҳар қадамда гўзаллик салони, автомобил ва телефон устахоналари бор, соҳа ривожланиб боряпти, дейишингиз мумкин. Бир қарашда шундай. Бироқ сон сифатни англатмайди. Ўша сиз айтотган хизмат кўрсатувчиларнинг нечтаси



лицензия, диплом ёки малака кўрсаткичига эга, ҳеч қизиқиб кўрганимисиз? Кўрсатилаётган хизматлар сифатли бўлиши ёки саломатлигимизга зарар келтирмаслигини ким кафолатлаяпти?

Қолаверса, майший хизмат факат гўзаллик салони-ю телефон устахонаси, дегани эмас. Инсон ҳәёти давомида пойабзал таъмирлаш, тикувчилик, майший техника устачилиги, соатсозлик, кимёвий тозалаш, мебелсозлик, фотоускуналар устахонаси каби 50 дан зиёд хизматлардан фойдаланади. Булар юқоридаги иккитаси сингари кўп даромадли бўлмаса-да, аҳамиятлилиги жиҳатидан паст эмас. Энди ўзингизга савол беринг, бугун уларни қаердан топса бўлади? Ҳа, пойабзал таъмировчilar асосан гараж ёки кўздан панарокка ўрнатилган бўткачаларда, “ателье”лар ертўлада, соатсозлар бирор дўйоннинг 2x2 метрлик бурчагида ўтиради. Бошқа иложи ҳам йўқ, топадиган даромади бундан ортиқ шароитни “кўтармайди”. Шу боис ҳам соҳада профессионаллар кам, шу боис ҳам сайёхларга кўрсатилаётган майший хизматимизининг сифати билан мақтана олмаймиз.

– Илгари шаҳар марказидаги “Зебо” савдо мажмуасининг ертўласида устачилик килардим, – дейди пойабзал таъмировчи Ботир Қорабоев. – Ижара ҳаки қимматлашиб кетгач, гаражга кўчиб ўтишга мажбур бўлдим. Бу ер кишида совук, ёзда иссиқ. Шунга қарамай, 10 йилдан бери ишлайман. Кунлик 50-60 минг даромад билан шароитни яхшилаб бўлмаяпти. Ўзим II-гуруҳ ногирониман, бошқа ишга ярамайман.

Ботир устани шу атрофдаги барча танийди. Боиси унга кўп бора ишлари тушишган. Кимдан сўрасак, уни ўз ишининг устаси, инсофли одам, деб таърифламоқда. Аммо у ишлайтган мухит бу таърифларга мос эмас.

Соҳага оид ҳужжатлар янги қонунларга зид

Тизимга оид асосий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлашириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аҳолисига майший хизмат кўрсатиш коидалари хисобланади. 1995 йил 12 октябрда қабул қилинган бу ҳужжатга сўнгги марта 2022 йилда унчалик

жиддий бўлмаган ўзгартиришлар киритилган ва у кўп вазиятларда “Истемолчиларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга зид. Мисол учун, Коидада мураккаб уй-рўзгор техникасини тузатиш хизмати учун буюртмачи хўжалик юритувчи субъект билан келишилган, аммо 15 фойздан кам бўлмаган микдорда олдиндан ҳақ тўлайди. Мебелни тайёрлаш ва тузатиш, уй-жой ва турар-жой бўлмаган биноларни тузатиш ва қуриш, пойабзал тайёрлаш ва якка тартибда кийим тикиш бўйича хизматлар учун буюртмачи буюртмани расмийлаштиришда иш қийматининг 50 фойзи микдорида аванс тўлаши керак, деб белгиланган. Қонунга кўра эса товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истемолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, дейилган. Бунга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Қарорда буғунги кунда мавжуд бўлмаган ташкилот – Аҳолига майший хизмат кўрсатиш худудий уюшмаси ҳам бор. Бир вақтлар минглаб соҳа вақилларини бирлаштирган ва ҳар бир туман ва шаҳар марказидаги майший хизмат кўрсатиш уйлари (домбигъ)ларни бошқарган тузулма тутатилганига кўп ийлар бўлди, аммо соҳани тартибга соладиган бошқа ваколатли орган ташкил этилмади. Шундай бўлса-да, биз сўраб-сурештириб, уюшманинг излари, аниқроғи, буғунги кундаги вазифадошини топдик.

– Уюшма тутатилгач, 2005 йилда унинг вилоят бўлнимини “Сам майший сервис” бирлашмаси шаклида қайта рўйхатдан ўтказдик, – дейди бирлашма раҳбари Фарогат Абдиева. – Бироқ вақолату имкониятларимиз қисқарди. Буғунги кунда вилоятда расмий фаолият юритаётган 15 мингдан зиёд майший хизмат шоҳобчалари бўлса, бирлашмага бор йўғи уларнинг 5 фойзи аъзо бўлган. Ташкилотимизнинг асосий вазифаси аъзоларимизнинг фаолиятини кўллаб-куватлаш, хукуқини химоя қилиш, уларни соҳага оид сўнгги янгиликлардан ҳабардор қилиб боришидир. Бундан ташқари, аъзолар билан меҳнат шартномаси ҳам тузилиб, уларга иш стажи хисобланishi таъминланади.

Фарогат Абдиеванинг таъкидлашича, пандемия вақтида майший хизмат кўрсатишга оид янги коидалар лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, бирлашма ҳам айни ҳужжат учун ўз таклифларини берган. Лекин у ҳам номаълум сабабларга кўра тасдиқланмай қолган. Буғун савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажаришга оид деярли барча соҳалар тегишилди коидалар билан қамраб олинган. Факат аҳолига майший хизмат кўрсатиш бундан мустасно. Шу сабабли низоли ва ихтилоғли вазиятлар юзага келганда, уларни ҳал қилиш мушкул бўлмоқда.

– Ҳозир соҳада на маҳсулотнинг олди-сотди баҳоси, на режа ва на тартиб бор, – дейди Ф.Абдиева. – Масалан, шу кунларда ҳар ерда кўп қаватли бинолар куриляпти, лекин уларнинг худудида деярли бирорта майший хизмат тури учун жой ажратилмайди. Ерлар олдиндан эгаллаб бўлинган. Оқибатда ўша ерда яшаётган одамлар ўзига керакли хизматни излаб, узокроқ жойга боришига ёки атрофидаги малакаси йўқ шахсларнинг хизматидан фойдаланишга мажбур. Жой бўлмагач, шароит бўлмагач, майший хизматчи ҳам расмий ишлашни хоҳламайди. Бу муаммо тўғридан-тўғри одамларнинг ҳаёт сифати ёмонлашишига, қолаверса, миллий туризмнинг оқсашига олиб

келади.

Соҳани ривожлантириш учун нима қилиш керак?

Фарогат Абдиева бунинг учун биринчи навбатда, соҳага оид қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ҳамда унда туризм ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш керак, деб хисоблайди. Ҳусусан, янги ҳужжатда майший хизмат кўрсатишга оид барча соҳаларда шартнома ёки квитанцияни расмийлаштириш, буюртмани бажарища мувофиқлиги тасдиқланган материаллардан фойдаланиш, материал ва хизмат кўрсатиш шакли ҳакида истемолчиға маълумот бериш каби амалиётлар конун даражасида мустахкамланиши керак. Аммо биз назорат эмас, тартиб ўрнатилиши ҳакида гапирияпмиз. Юртимизда бозор иқтисодиёти муҳитини яратмоқчи эканмиз, масалага раҳбарлик кўзи билан эмас, иқтисодчи сифатида назар солишимиз керак. Тўғри, айни кунда ўзини ўзи банд қилганлар, тадбиркорликни йўлга кўйганларга кўплаб солиқ имтиёзлари ва бошқа енгилликлар бериляпти. Бироқ бу айнан майший хизмат соҳасининг ривожлашиши, унинг туризм мамлакатига мосбосичга чиқиши учун етарли эмас.

Ҳозир соҳадагиларнинг катта кисми ўзини ўзи банд қилганлардир. Яъни, улар истаган шаклда ва жойда фаолият юритади. Бу шартномавий муносабатларни тартибга солиши ҳам қийинлаштиради. Бундан ташқари, кузатишларимиз аксарият хизмат кўрсатиш шоҳобчалари кундузи 10:00 дан кечки 17:00 гача ишлашини кўрсатмоқда. Оқибатда доимий иш билан банд аҳоли қатлами улардан фойдаланиш учун иш вақти ёки дам олиш кунларини сарфлашга мажбур бўляпти. Бу ҳам турмушнинг оғирлашишиими?

Соҳада юқорида тилга олинган муаммолар сабабли турғунлик йўқ. Бир жойда очилган шоҳобча иккى ойга бормай ёпилади. Биз англаган сабаб иккита: Биринчиси, фаолият мувофиқлиги, таҳлили йўқ, янги бир худудда бир нечта бир хил турдаги хизмат кўрсатувчилар яхши даромад қила олмайди. Иккинчидан, соҳага кириб қелганлар унда ўзининг келажагини кўра олмаяпти. Боиси ҳали бу соҳа вакилларининг малака ва маҳоратини баҳолаш тизими йўқ. Нарисорса, «яхши сартарош экан», деб кўянимиз. Лекин унинг ростдан ҳам ўз ишининг устаси эканлигини кенг жамоатчилик билолмайди. Демак ҳақиқий устанинг ҳам иши тез юришмайди.

Таклифимиз, майший хизмат соҳадини рақамлашириш керак. Бу хоҳ вебсайт, хоҳ мобиъ илова бўлсин, унда ким ва қаерда қандай хизмат кўрсатиши, у билан алоқага чиқиши усуслари кўрсатилиши, ҳар бир фойдаланувчи хизмат кўрсатувчининг маҳорати, муомала маданияти, қонунларга итоаткорлигини баҳолаши мумкин бўлиши керак. Шу орқали бир нечта муаммоларга чек кўйган ва табиий равишда соҳанинг янги ривожланиши босқичини бошлаб берган бўламиз. Агар мазкур илова бир нечта тилда юритилса, ундан сайёхлар ҳам фойдаланиши мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсақ, туризм ҳакида гапиришдан олдин сайёхлар учун етарли шароит яратиб кўйишимиз керак. Нафакат туризм келажаги, балки шу юртдаги ҳар бир фуқаронинг ҳаёт даражаси бевосита майший хизмат сифатига боғлиқ. Масъуллар масалани эътиборсиз қолдирмайди, деган умиддамиз.

Аскар БАРОТОВ.

Парламент комиссиясининг 2024 йил 13 июнданги 17-сонли қарорига 1-илова



Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ахолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, болаларнинг тұғма касалліклар ва нұқсанлар билан дүнёга келишининг олдени олиш ва профилактикасига бағылланган материаллар тайёрлаш, ахоли ўртасида тарғиб этиши;

2. Хотин-қизларни оммавий спорт турлари билан шуғулланишга жалб қилиш, ахоли ўртасида соглом турмуш тарзи анъаналарини мустаҳкамлашга күмаклашиш;

3. Соглом турмуш тарзини кенг табиқ этиши ва оммавий спортни янада ривожлантириш соҳасида ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини юксалтириш;

4. Ахолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, тұғри овқатланиш маданиятини оммалаштириш, соглом турмуш тарзини тарғиб килиш;

5. “Соглом оила – соглом жамият” гөясини ҳәттә табиқ этиши, нотинч ва муаммоли оиласарга манзилли күмаклашиш;

6. Ахолига тиббий хизмат күрсатиш-

ни яхшилаш ва улар учун янада қулагай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилувчи ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш;

7. Ахоли ўртасида соглом овқатланиш маданиятини, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини маҳаллалар, таълим-тарбия муассасаларида кенг тарғиб килиш;

8. Орол ҳалокатининг атроф-мухитта ва ахоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатишга, Оролбүйи худудларида экологик вазиятни тиклашга ва согломлаштиришга күмаклашиш;

9. Қишлоқ жойлардаги ахоли пунктларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария-экологик муҳитни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга күмаклашиш;

10. Фуқароларнинг экологик ҳукуқларини таъминлаш ва атроф-мухитта зарапли таъсири кўрсатилишига ўйл кўймаслик борасида барча соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга оширишга қаратилган лойиҳаларни кўллаб-куватлаш;

11. Атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайтиришига, биологик хилма-хилликини сақлаш, қаттиқ маший чиқиндиларни қайта ишлашга инновацион технологияларни жалб этишига қаратилган лойиҳаларни кўллаб-куватлаш;

12. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш,

унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш бўйича тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган лойиҳаларни кўллаб-куватлаш;

13. Сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

14. Экологик вазиятни баркарорлаштиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ННТ ва фуқаролик жамиятининг институтларини жалб килиш.;

15. Оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликлари бор беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи хоспислар ташкил этиши.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан им-

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 200 миллион сўмгача.

Хужжатлар 2024 йил 4 июлдан 5 августгачақабул қилинади.

Хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (A4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-йй.

Хужжатларни тақдим этиши шартлари ва намуналари билан Олий Мажлиси хузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (78) 238-23-76, (78) 238-23-77.

Парламент комиссиясининг 2024 йил 13 июнданги 17-сонли қарорига 2-илова

Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-куватлаш” мавзуида Давлат гранatlari ajratish учун 4-tanlovni

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш орқали мамлакатимизнинг халқаро нуғузини янада юксалтириш;

7. Ахоли учун белуп кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизmlарини ва инновацион услубарни жорий этиши;

8. Хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтоҷ бўлган оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

9. Одам савдоси, ноқонуний меҳнат миграциясидан жабр кўрган ахолига тизимли профилактик тарғибот, ташвиқот ва реабилитация чора тадбирларини амалга оширишда жамоатчилик назоратини кучайтириш;

10. Ноқонуний меҳнат миграциясидан, мажбурий меҳнат ва камиситишлардан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-куватлаш;

11. Низоли вазиятлар, оиласий-маший зўрлик ишлатиш ҳолатларини ва ўз жонига қасд килишга мойил хулқ-атворни эрта бартараф этишида давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни шакллантириш;

12. Коррупцияга қарши қурашиш тизими самарадорлигини ошириш орқали қулагай ишбилиармонлик муҳитини яратишга, мамлакатнинг халқаро

ат фондининг www.fondngo.uz расмий веб сайти ва https://t.me/GROUP_JAMOAT_FONDI телеграм каналида жойлаштирилган ва янги юкландиган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгариши ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;

6. Ташкилотнинг солик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

7. Манбаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-куватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 200 миллион сўмгача.

Хужжатлар 2024 йил 4 июлдан 5 августгачақабул қилинади.

Хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (A4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-йй.

Хужжатларни тақдим этиши шартлари ва намуналари билан Олий Мажлиси хузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (78) 238-23-76, (78) 238-23-77.



Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, тамойиллари ва мақсадларини очиб беришга, қонун нормалари ҳақида билимлар тарғиботига қаратилган маҳсус нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиши;

2. Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ННТ фаоллигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

3. Аёллар, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-маънавий қўллаб-куватлашда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

4. Ахоли, айниқса ўшлар ўртасида, маҳаллалар ва таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципи ва нормалари мазмун, мөхиятини етказишига қаратилган лойиҳаларни қўллаб-куватлаш;

5. Курилиш ва ободончиликка оид қарорларни маҳаллий даражада муҳокама қилишини ҳамда жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни йўлга кўйиши;

6. Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эрkin-



МУЛК МЕРОСХҮРГА ҚАЙТАРИЛДИ


ЖАМИЯТ
ЖАМИЯТ

Бугунги кунда фуқаролар ўртасида олди-бердилар, уй-жойни, автомашинани ижарага бериш оддий ҳолга айланган. Аммо ҳаётда ишончни сунистельмол қилиш, ваъдасини “унутаётганлар” учраб турди. Судда кўрилган иш ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Гап шундаки, Ю. Роза жавобгар М. Алишерга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат килиб, унда турмуш ўртоги томонидан 2019 йил январда АТ “Капиталбанк”дан автотранспорт воситасини сотиб олиш учун кредит олинганини баён қилган. Бу кредит маблагига янги автотранспорт воситасини сотиб олиб, кредитни тўйлик қоплаган. Турмуш ўртоги бу автотранспорт воситасини ишончнома асосида бошқариш учун жавобгар М. Алишерга берган. 2021 йил 13 авгуустда эса эри вафот этган. Унинг вафтидан сўнг мерос қолган уйга қонун бўйича меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳномани олганини, лекин автотранспорт воситасига нисбатан меросни расмийлаштира олмаётганини билдирган. Сабаби, жавобгар бу автотранспорт воситасини бошқаришга берилган ишончнома бекор бўлганига қарамай турли баҳоналар билан автомашинани ихтиёрий қайташига қаршилик қилаётганини, уни ноқонуни тарзда уйида сақлаб, бир неча марта оғзаки огоҳлантирилганига қарамай қайтариб бермаётганини таъкидлаган. Уни ва фарзандларининг меросхўрлар сифатида хукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилаётганини баён қилиб, суддан жавобгар М. Алишернинг ноқонуни эгалигидан марҳум турмуш ўртогига тегишли бўлган, 2019 йилда ишлаб чиқарилган, “NEXIA-3” русумли автотранспорт воситаси ва транспорт воситасининг рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномани олиб беришни ва суд харажатлари ундиришни сўраган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Ю. Роза даъво аризани тўйлик қувватлаб, суддан даъво талабларини қаноатлантиришни, мерос мулки хисобланган автотранспорт воситаси ва гувоҳномани олиб беришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгарнинг ишончли вакили И. Муқаддас даъво аризани тан олмасдан, ўз тушунтиришида даъво аризасида кўрсатилган ҳолатлар тухмат эканлигини, даъвогарнинг турмуш ўртоги билан келишган ҳолда автотранспорт воситасини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ўғли 10.000 АҚШ долларга сотиб олганини баён қилди. Дастлаб 3.000 АҚШ долларни тўлаб, ҳар ойда 300 АҚШ доллари ва қўшимча равишда банкка кредит қарзини тўлаганини, даъвогар бу пулларни турмуш ўртоги олган вақтда гувоҳи бўлиб, унинг вафтидан сўнг шахсан ўзи олганини, хозирги кунда 9.300 АҚШ доллари тўланиб, 700 АҚШ доллари тўланмаганини, буни кўрган ва билган гувоҳлар борлигини, бу автомашинани олиб кетишга қарши эмаслиги, факат даъвогар тўланган пулларни тўйлик

қайташини талаб қилишини баён қилиб, даъво аризани рад қилишни сўради.

Суд тарафларнинг баёноти ва адвокат нутқини тинглаб, учинчи шахс тушунтириши ва гувоҳлар кўрсатмаларини, иш хужжатларини ўрганиб, уларни муҳокама қилган ҳолда қуйидаги хulosага келди.

2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 21-моддасига кўра, мулкдор ўз хукуқларининг ҳар қандай бузилиши, гарчи бу бузилишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этилишини талаб қилиши мумкин. Мазкур хукуқни амалга оширишда давлат органлари мулкдорга кўмаклашиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасига асосан мулк хукуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз ҳоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк хукуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишини талаб қилиш хукуқидан иборатдир. Мулк хукуқи муддатсизdir.

Ушбу Кодекснинг 228-моддасига асосан, мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли. Мазкур Кодекснинг 231-моддасига асосан мулкдор ўз хукуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан марҳум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишини талаб қилиши мумкин.

Аниқланишича, даъвогарнинг турмуш ўртоги ва АТ “Капиталбанк” Тошкент шаҳар филиали ўртасида 2018 йил 10 октябрда 957/GM-сонли молиявий истеъмол кредит шартномаси тузилиб, автотранспорт воситасини ҳарид қилиш учун 48 ой муддатга, йиллик 24% устама ҳақ тўлаш шарти билан 57.746.422 сўм кредит ажратилган.

Мазкур кредит маблағлари эвазига фуқаро ва “AVTOTEXHIZMAT” МЧЖ ўртасида 2018 йил 10 октябрда “GM Uzbekistan” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобиларни етказиб бериш шартномасига асосан, 2019 йилда ишлаб чиқарилган, “NEXIA-3” русумли автотранспорт воситаси рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномани олиб беришни лозим топди.

Фуқаро томонидан истеъмол кредити ажратиш шартномаси бўйича тўловлар тўлиқ қопланган. Мулкдор томонидан ўзига тегишли автотранспорт воситасини бошқариш хукуки билан жавобгар М. Алишер номига

2 йил муддатга нотариал тартибда ишончнома расмийлаштирилган. 2021 йил 13 авгуустда мулкдор вафот этган.

Тарафлар ўртасида мерос мулки хисобланган автотранспорт воситаси ва гувоҳномани қайташи масаласида низо келиб чиққанлиги сабабли, даъвогар 660.000 сўм давлат божи ва 33.000 сўм почта харажати тўлаган ҳолда даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 72-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳар бартараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Суд жараёнида жавобгарнинг ишончли вакили М.Ибрагимова томонидан даъвогар Ю. Розага жами 2.400 АҚШ доллари тўланганини тасдиқловчи хужжатлар (даъвогар имзоси билан оддий шаклдаги қайд ёзувлари) ва банк муассасасига марҳумнинг ўрнига жами 8.225.000 сўм кредит тўлови амалга оширилган (санасини аниқлаш имкони бўлмаган) тўлов квитанциялари нусхаси тақдим қилинган.

Суд даъвогарнинг даъво талабини муҳокама қилиб, мазкур вазиятда низоли автотранспорт воситаси даъвогарнинг марҳум турмуш ўртогига тегишли бўлиб, мулк хукуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигини, турмуш ўртогининг вафотидан кейин транспорт воситаси мерос мулки хисобланиши ва меросхўрларнинг улушлари мавжудлигини аниқлади. Суд жараёнида жавобгарнинг ишончли вакили автотранспорт воситасини марҳумдан сотиб олгани, келишувга асосан 9.300 АҚШ доллари тўлаб, 700 АҚШ доллари қолгани ҳақида важларни келтириб, бу ҳолатлар бўйича учинчи шахсларнинг тушунтириши ва гувоҳлар кўрсатмалари олинган бўлса-да, бироқ келтирган важларни тасдиқловчи мақбул далилларни тақдим этмаганлигини, даъвогар меросхўр ва вояга етмаган меросхўрларни қонуний вакили сифатида ўзига тегишли мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиш хукуқига эга эканлигини инобатга олиб, бундай ҳолатда даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни, даъвогар фойдасига жавобгардан марҳум турмуш ўртогига тегишли бўлган, 2019 йилда ишлаб чиқарилган, “NEXIA-3” русумли автотранспорт воситаси рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномани олиб беришни лозим топди.

Шундай қилиб, мулк меросхўрларга қайтаилди. Фуқаронинг ҳақ-хукуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилояти Оҳангарон
туманлараро судининг судъяси.

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсад ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма раками Г-710
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 2006 йил 0010-ракам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiat@mail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



Мамлакатимизда демократик тараққиётнинг жадаллашиши билан бирга, халқаро ва минтақавий геосиёсий майдонда ўзаро рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб бир даврда талабалар, мутахассислар, илмий кадрларнинг сиёсий жараёнларни чукур англаш, тезкор таҳлил килиш ва баҳолай олиш малакасига эга бўлишталаф қилинади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, сиёсий фанлар доктори, профессор Мукимжон Киргизбоевнинг “Сиёсатшунослик” дарслиги айнан ана шу вазифани бажаришга хизмат қиласди, деб ҳисоблаймиз. Айтиш жоизки, М. Киргизбоев нафақат юқори малакали сиёсатшунос, балки ҳам назарий ва ҳам амалий бой тажрибага эга олим. Мазкур дарслик муаллифнинг сиёсатшунослик соҳасидаги қирқ йилдан ортиқ илмий педагогик ҳамда давлат бошқарувидаги кўп йиллик амалий фаолияти давомида тўпланган билим ва тажрибалига асосан тайёрланган. Шу йиллар давомида М.Киргизбоев 10 га яқин монография, дарслик ва ўкув кўлланмалар, 220 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган. Муаллифнинг асарлари сиёсий партиялар, сиёсий мағкуралар, сиёсий маданият, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши каби масалаларга бағишланган. Жумладан, 1998 йилда муаллифнинг “Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мағкуралар ва маданиятлар”, 2006 йилда “Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба”, 2010 йилда “Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши” монографиялари, 2006 йилда “Фуқаролик жамияти институтлари”, 2007 йилда “Партология”, 2013 йилда “Сиёсатшунослик”, 2017 йилда “Социология” ўкув кўлланмалари, 2022 йилда “Социология” дарслиги нашр этилган.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги “Сиёсий фан-

“СИЁСАТШУНОСЛИК”

Янги Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши ҳамда жамиятнинг барча жабҳаларида амалга оширилайтган туб янгиланишлар олий таълим олдидаги янги вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг талабалари миллий, минтақавий ва глобал даражада сиёсий майдонда юз берадиган жараёнларни билишлари, англашлари, ўрганишлари ва таҳлил қила олишлари шарт.

Зеро, жаҳонда юз берадиган глобаллашувнинг ҳозирги босқичи ҳалқаро вазият ўзгаришининг юқори динамикаси, сиёсий кучлар мувозанатидаги кучли тектоник силжишлар билан тавсифланади.

лар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори билан белгиланган сиёсатшунослик фанлари соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва янги авлод дарсликларини яратиш вазифасини амалга оширишда муҳим ўринга эга. Удавлат таълим стандарти талабалирига жавоб беради ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан “Сиёсатшунослик” фани учун тасдиқланган намунавий дастурга мувофиқ ёзилган.

Дарсликни ёзишда талабаларнинг мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш жараёнларига оид билимларни эгаллашлари, сиёсий қарашлар ва тушунчаларни ўрганишлари учун зарур бўлган воситалар қўлланилган. Дидактика ва методика талабалирига мувофиқ, дарслик таркиби бўлимлар ва мавзуларга ажратилган. Дарсликда “Сиёсатшунослик” ўкув фанининг методологик асослари, сиёсатнинг ижтимоий хаёт ва тадқиқот обьекти сифатидаги аҳамияти, сиёсий тизим ва сиёсий институтлар, сиёсий жараёнлар, сиёсий коммуникация, сиёсий маданият ва мафкура, жаҳон сиёсати, Янги Ўзбекистон – янги сиёсий тизим каби бўлимларни ўз ичига олган.

Муаллиф Янги Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий тизими монтернизациялаш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, бошқарувни тақомиллаштириш, халқаро сиёсатда фаол иштирок этишга қаратилган ислохотларни аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил қилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш бўйича амалга оширилган кампания мазмуни, унинг мақсади, вазифалари, энг муҳим жиҳатлари, якунлари ва аҳамияти алоҳида муҳокама манбаи бўлган.

Шунингдек, дарсликда мавзуларнинг ўзига хос таҳлилий усулда ёритилиши унинг дидактик савиасини оширган. Муаллиф дарсликни

тайёрлашда мавзуларни ҳар томонлама ўрганиш имконини берувчи миллий ва хорижий олимларнинг асарларидан, илмий тадқиқот натижаларидан, “Сиёсатшунослик” ўкув фани бўйича дарсликлар яратиш тажрибасидан атрофлича фойдаланган. Барча мавзуларни, ҳусусан сиёсатшуносликнинг асосий муаммоларни ёритишида хорижий ва миллий сиёсатшунос олимларнинг қарашлари, ғоялари, хulosалари илмий баҳс ва тортишувлар услубида тақдим қилинган.

Дарслик уни мутолаа қилган ўкувчида яхши таассурот колдиради. У юқори савиядада, “Сиёсатшунослик” ўкув фанига тегишли тушунча ва таърифлар, атама ва иборалардан лозим даражада фойдаланган ҳолда ёзилган, маълумотларни тақдим этишда маъновий ғализлик, ноаниклик ва ортиқча мураккабликка йўл қўйилмаган. Ҳар бир мавзу доирасида талабаларга тақдим қилинган маълумотлар жаҳонда ва мамлакатимизда юз берадиган сиёсий жараёнларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини тушунишга ёрдам беради. Муаллиф давлат, жамият, сиёсий ҳокимиёт, сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, сиёсий муносабатлар, сиёсий тизим, сиёсий режим, давлат сиёсати, сиёсий максадлар, сиёсий модернизация, сиёсий ғоялар ва мафкуралар, сиёсий онг ва сиёсий маданият, сиёсий элита ва сиёсий етакчилик, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бошқа тушунча ва воқеликларни сиёсатшунослик фанининг ҳозирги кундаги ютуклари ва муаммолари билан боғлиқ мисоллар ёрдамида ёритган.

Ҳар бир мавзунинг охирида ўзлаштирганликни текшириш учун назорат саволлари ҳамда мавзуни ўрганиш учун зарур бўлган раҳбарий адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мумтоз ва замонавий илмий асарлар, дарсликлар ва қўлланмалар рўйхати берилган. Шунингдек, сиёсатшунослик бўйича тушунчалар ва уларнинг таърифларини ўз ичига олган умумий гlosсарий ўз ифодасини топган.

Муаллиф мавзулар бўйича муаммоларни таҳлил қилишда жаҳон ҳамжамияти ва миллий-давлатчилик тараққиётига хос бўлган замонавий тенденцияларни ҳисобга олган. Шунингдек, ривожланган ва етакчи мамлакатлардаги сиёсий жараёнлар таҳлил этилган ҳамда миллий тажрибалар билан қиёсланган. Маълумотлар қизиқарли услубда тақдим этилган, ҳусусан, сиёсий модернизация, партиявий тизим, сайлов тизими, сиёсий элита ва сиёсий етакчиликнинг ҳусусиятлари ва табииати, сиёсий қарорлар қабул қилиш, сиёсий ихтилофлар ва уларни ҳал этиш технологиялари, сиёсий коммуникация ва унинг сиёсий жараёндаги ўрни, Ўзбекистонда сиёсий тизимни модернизациялаш ислоҳотлари каби масалалар таҳлилини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шубҳасиз, мазкур дарслик “Сиёсатшунослик” ўкув фани ўрганадиган аксарият муаммоларни қамраб олган ва фундаментал билимларни ўзлаштиришга хизмат қилади. Унда ўз ифодасини топган маълумотлар, ғоялар, тушунчалар, услублар сиёсатшунослик соҳасидаги миллий ва хорижий фан ҳамда таълим ютукларига асосланган. Унинг мазмуни Янги Ўзбекистонда “Сиёсатшунослик” ўкув фани изчил ривожланаётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, сиёсатшунослик динамик ҳусусиятга эга соҳа бўлиб, доимий ва изчил ривожланиши бошидан кечирмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон ва миллий сиёсий жараёнларнинг тезкор ўзгариши, жаҳон сиёсий фанидаги замонавий тенденциялар “Сиёсатшунослик” ўкув фанининг мазмуни ва истиқболдаги вазифаларига таъсир кўрсатмасдан қўймайди. Сиёсатшунослик фани ва таълими салмоқли сакрashларни бошидан кечиради. Бу ҳолатни сиёсатшунослик бўйича дарсликларни такомиллаштиришда доимий ҳисобга олиш заруратга айланмоқда.

Бизнинг фикримизча, мазкур дарслик нафақат олий ўкув юртлари талабалари, балки кенг илмий ва эксперт ҳамжамият вакиллари, фуқаролик жамияти институти вакиллари, умуман сиёсий жараёнларга қизиқадиган ҳар бир киши учун фойдали маълумотларга бой кўлланма ҳусусиятига эга.

**А.САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор, академик
Ў.ОЧИЛОВ,
юридик фанлар доктори,
доцент**